

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманлараро судига

Даъвогар

**Тешаев Темирбой Болтаевич,
Тошкент ш., Юнус обод тумани, 18
мавзе, 15-уй, 12-хонадон
Тел. _____**

Жавобгар

**Қўзибоев Жумабой Тохирович,
Тошкент ш., Юнус обод тумани, 15
мавзе, 12-уй, 10-хонадон
Тел. _____**

**ДАЪВО АРИЗАСИ
(қарз ундириш)**

Жавобгарнинг илтимосига кўра, мен гувоҳлар олдида унга 500 000 (беш юз минг) сўм қарз берган эдим. У ушбу қарз суммасини икки ой ичида, яъни 30.03.2014 йилгача қайтариб бериш шarti билан тилхат ёзиб берган эди.

Жавобгарга қарз суммасини қайтариб бериш ҳақида бир неча мартаба мурожаат қилгандим, лекин у ваъдалар бериб, эрта-индин, 3-4 ойдан кейин қайтариб бераман деб, ёлғон ваъдалар билан мени алдаб юрибди ва бугунги кунга қадар ўз мажбуриятларини бажармасдан келмоқда.

Оилада ягона боқувчиман, қаромоғимда ота-отам, турмуш ўртоғим ва 2 (икки) нафар вояга етмаган фарзандларим бор.

Юқоридагиларга асосан жавобгар Қўзибоев Жумабой Тохировичдан қарз тилхатига кўра берилган 500 000 (беш юз минг) сўм миқдоридаги суммани менинг фойдамга ундириб бериш ҳақида ҳал қилув қарори чиқаришингизни сўрайман.

Илова:

- 1) давлат божи тўланганлик ҳақида тўлов паттаси;
- 2) даъво ариза нусхаси;
- 3) фарз олганлик ҳақидаги тилхат;
- 4) паспорт нусхаси;
- 5) жавобгарнинг яшаш жойидан маълумотнома.

_____ **Т.Тешаев**
(имзо)